

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЗАЙНАБИТДИНОВА САФУРА НОСИРЖОНОВНА

**COVID-19 ДАН КЕЙИНГИ ЗОТИЛЖАМНИНГ ЧЎЗИЛГАН КЕЧИШИ
БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРНИ КЛИНИК ВА ЛАБОРАТОР
АСПЕКТЛАРИ ВА ОЛИБ БОРИШ ТАКТИКАСИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Зайнабитдинова Сафура Носиржоновна

Covid-19 дан кейинги зотилжамнинг чозилган кечиши билан касалланган болаларни клиник ва лаборатор аспектлари ва олиб бориш тактикаси..... 3

Зайнабитдинова Сафура Носиржоновна

Клинико-лабораторные аспекты и тактика ведения детей с внебольничной пневмонией затяжного течения после Covid -19..... 29

Zaynabitdinova Safura Nosirjonovna

Clinical and laboratory aspects and management tactics for children with prolonged community-acquired pneumonia after covid-19..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЗАЙНАБИТДИНОВА САФУРА НОСИРЖОНОВНА

**COVID-19 ДАН КЕЙИНГИ ЗОТИЛЖАМНИНГ ЧЎЗИЛГАН КЕЧИШИ
БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРНИ КЛИНИК ВА ЛАБОРАТОР
АСПЕКТЛАРИ ВА ОЛИБ БОРИШ ТАКТИКАСИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2022.4.PhD/Tib3155 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шамсиев Фуркат Мухитдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахманова Лола Каримовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Алиев Ахмаджон Лутфуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини
ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю. Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50; e-mail: info@adti.uz, Андижон давлат тиббиёт институти).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «__» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Арзиқулов

Илмий жаражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ш.О. Тошбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди

О.А. Якубова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. COVID-19 пандемияси нафақат юқумли касалликлар эпидемиологияси ва вирусологияси соҳаларида, балки педиатрия, айниқса, болалар пульмонологиясида ҳам бир қатор мураккаб ва ҳал этилиши зарур бўлган муаммоларни келтириб чиқарди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра «...ўпка тўқимасининг яллиғланиши болаларнинг биринчи беш йиллик ҳаёти даврида 10-20 фоиз ҳолларда учрайди ва болалар ўртасидаги умумий ўлим кўрсаткичининг 25 фоизини ташкил этади...»¹. Дунё миқёсида, шунингдек Ўзбекистон Республикасида ҳам болаларда зотилжамни ташхислаш ва даволашда эришилаётган ютуқларга қарамай, касалланиш, асоратлар сони ва ўлим кўрсаткичлари тобора ортиб бормоқда. Бундан ташқари, COVID-19 инфекцияни бошидан кечирган болаларда ўпка тўқимасининг шикастланиши, респиратор, иммунологик ўзгаришлар, ҳамда узоқ давом этувчи шифохондан ташқари зотилжам (ШТЗ) ҳолатларининг ортиб бориши кўпайиши кузатилмоқда. Бу эса нафақат клиник диагностика ва даволаш жараёнига, балки бутун жаҳон тиббий тизими ва соғлиқни сақлаш сиёсатининг стратегик йўналишларига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Болаларда COVID-19 дан кейинги пневмония билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун аниқ ва ишончли ташхислаш усулларини такомиллаштириш, самарали даволаш ва реабилитация усулларини такомиллаштириш масалалари тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирда жаҳон тиббий амалиётида COVID-19 ни бошидан кечирган болаларда чўзилувчан зотилжамнинг клиник-патогенетик ва иммунологик хусусиятларини ўрганиш, унинг ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш, шунингдек, самарали профилактика чораларини ишлаб чиқишга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотлар долзарб бўлиб қолмоқда. Болаларда зотилжамнинг турли даражада кечиш шаклларида цитокин профилининг ўзгаришини таҳлил қилиш, шунингдек, коронавирус пандемияси шароитида шифохонадан ташқари зотилжамнинг клиник хусусиятлари ва унинг намоён бўлиш механизмини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини изчил ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш ҳамда тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, болаларда учрайдиган турли соматик касалликларни эрта аниқлаш, юқори самарали комплекс даволаш ва профилактик тадбирларни такомиллаштиришга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан «...мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига асосан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш, гўдаклар ва

¹Pneumonia in children. WHO, 2022. <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/pneumonia>

болалар ўлимини камайтириш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, болаларда COVID-19 дан кейинги даврда шифохонадан ташқари зотилжамнинг клиник-хусусиятларини ўрганиш, юқори нафас йўллари ва ичак микробиоценозининг касалликни ташхислашдаги ўрнини аниқлаш, шунингдек яллиғланиш маркерларининг диагностик ва прогностик аҳамиятини баҳолаш, даволашга янги ёндашувлар ишлаб чиқиш, ушбу патологиянинг юқори тиббий-ижтимоий аҳамияти туфайли педиатриянинг, ва умуман олганда, тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПФ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216 сон «2022-2026-йилларда Оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида» ва 2024 йил 22 январдаги ПҚ-38 сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шифохонадан ташқари зотилжам, айниқса, COVID-19 инфекциясини бошидан кечирган болаларда унинг чўзилган кечиши, ҳозирда жаҳон тиббиётидаги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланмоқда. Қатор илмий марказлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда COVID-19 инфекциясининг болаларда нафас йўлларига таъсири, шу жумладан, ўпка тўқимасидаги яллиғланиш механизми, иммунологик ўзгаришлар ва бактериял асоратларнинг ролини ўрганишга кенг эътибор қаратилган^{3,4}. Турли ҳудудлардаги клиник текширишлар натижалари болаларда ковиддан кейинги зотилжамнинг давомийлиги ва оғир кечишининг асосий сабабларидан бири сифатида иммун тизимининг дисфункцияси ҳамда нафас ва хазм тизими микробитасидаги мувозанатининг бузилишини кўрсатмоқда⁵. Кейинги йиллардаги тадқиқотларда шифохонадан ташқари зотилжамнинг чўзилган кечишини аниқлаш ва прогнозлашда биомаркерлардан фойдаланиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда, хусусан, С-реактив оксил, прокальцитонин, интерлейкинлар каби кўрсаткичлар яллиғланиш жараёнининг динамикасини баҳолашда муҳим аҳамият касб

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216 сон «2022-2026-йилларда Оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги Қарори.

³Пневмония (внебольничная)//Клинические рекомендации МЗ РФ., Москва, 2024. – 54 с.

⁴George P.M. et al. Respiratory follow-up of patients with COVID-19 pneumonia //Thorax.-2022.-№11.-P. 1009-1016.

⁵Dickson R. P. et al. Lung microbiota predict clinical outcomes in critically ill patients //American journal of respiratory and critical care medicine.-2020.-№5.-P.555-563.

этиши қайд этилган⁶. Бир қатор тадқиқотларда болаларда ковиддан кейинги зотилжамда юқори нафас йўллари ва ичак микробиомасининг ўзгариши ҳам алоҳида ўрганилган бўлиб, патоген флоранинг шаклланиши ва антибиотикларга чидамлилиқ даражасига таъсири таҳлил қилинган⁷. Шу билан бирга, ковиддан кейинги зотилжамнинг этиопатогенези ва клиник-морфологик хусусиятлари тўлиқ ўрганилмаган. Айниқса, COVID-19 инфекциясидан кейин болаларда зотилжамни чақирувчи бактерияларнинг патогенлик механизмлари, уларнинг фенотипик хусусиятлари ва иммун тизимига таъсир этиш механизми ҳақидаги маълумотлар чекланган. Шунингдек, антибактериал терапия тактикаларини такомиллаштириш учун антибиотикларга резистентлик маркерлари етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Ўзбекистон олимлари томонидан болаларда атипик кечувчи пневмония, жумладан коронавирусли инфекция билан боғлиқ бўлган зотилжамнинг умумий хусусиятлари, унинг учраш даражаси, COVID-19 билан боғлиқ асоратлари ва микробиологик жиҳатлари ўрганилган, уларни даволашда янгича ёндошувлар таклиф қилинган^{8,9}. Бироқ, COVID-19 ни бошидан кечирган болаларда шифохонадан ташқари зотилжамнинг чўзилган кечиши, унинг иммунологик ва микробиологик механизмлари, цитокин статусига таъсири ва патоген флоранинг ривожланиш жараёни ҳали тўлиқ тадқиқ этилмаган.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, организмнинг иммунцитокин ҳолати ва тизимлар микробиоценозини ўрганиш, короновирус инфекцияси билан боғлиқ шифохонадан ташқари чўзилувчан зотилжамнинг клиник кечиши хусусиятларини аниқлаш, даволаш усулларини оптималлаштириш ва янги самарали профилактика усулларини ишлаб чиқишни тақозо қилади ва иссертация мавзусининг долзарблигини асослайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Оналик ва болалик соғлигини ҳимоя қилишнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2021-2023 й.).

Тадқиқотнинг мақсади COVID-19 дан кейинги шифохонадан ташқари зотилжам аниқланган эрта ёшли болаларда касалликнинг чўзилувчан кечишини олдини олиш мақсадида, унинг клиник-анамнестик, биокимёвий, микробиологик ва иммунологик жиҳатларини инобатга олган ҳолда олиб бориш тактикасини такомиллаштиришдан иборат.

⁶Chen Y. et al. The value of the neutrophil to lymphocyte ratio and PLT count for the diagnosis and prediction of COVID-19 severity //PloS One.-2023.-№18(10):e0293432.

⁷Bengoechea H.A.б Bamford K.D. SARS-CoV-2, bacterial co-infections, and antimicrobial resistance: a deadly trio in COVID-19? //Juvenis Scientia.-2020.-№5.-P.42-50.

⁸Туйчиев Л. Н. ва ҳаммуалл. Частота регистрации пневмонии у детей с короновирусной инфекцией Covid-19 //Central Asian journal of medical and natural sciences.-№3.-С.96-99

⁹Шавази Н.М. ва ҳаммуалл. Совершенствование лечения пневмонии с атипичной этиологией у детей //Доктор ахборотномаси.2021-№1(2).-С.109–112

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 дан кейинги шифохонадан ташқари чўзилувчан зотилжам аниқланган эрта ёшли болаларда ретроспектив тадқиқотлар ўтказиш ва касалликнинг ривожланиш предикторларини аниқлаш;

эрта ёшли болаларда COVID-19 дан кейинги шифохонадан ташқари чўзилувчан зотилжамнинг клиник-анамнестик хусусиятларини ўрганиш;

COVID-19 дан кейинги шифохонадан ташқари чўзилувчан зотилжам аниқланган эрта ёшли болаларда юқори нафас йўллари ва ичак микробиотаси ҳолатини ўрганиш;

COVID-19 дан кейинги шифохонадан ташқари чўзилувчан зотилжам аниқланган эрта ёшли болаларда прокальцитонин, С-реактив оксил, IL-1 β , IL-4, IL-8, TNF α , IFN γ каби яллиғланиш маркерларининг диагностик ва прогностик аҳамиятини баҳолаш;

COVID-19 дан кейинги шифохонадан ташқари зотилжамнинг чўзилувчан кечишини олдини олиш бўйича эрта ёшли болаларни олиб бориш тактикасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг пульмонология ва Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг пульмонология ва аллергология бўлимларида 2021-2023-йиллар давомида 178 нафар шифохонадан ташқари зотилжам туфайли ётиб даволанган эрта ёшли болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети COVID-19 дан кейинги шифохонадан ташқари чўзилувчан зотилжам аниқланган эрта ёшли болалар қон зардобидаги цитокинлар хусусиятларини иммунологик, ҳамда халқум ва ичак шиллик қавати суртмаларини микробиологик текшириш натижаларини қиёсий жиҳатдан таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, лаборатор, микробиологик, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эрта ёшли болаларда постковид даврда шифохонадан ташқари зотилжамнинг учраш даражаси аниқланган ва унинг ривожланишида перинатал омиллар (RR=1,9), оғирлашган преморбид фон (RR=2,7), ҳамроҳ ва ўтказган касалликлари (RR=2,2) каби аҳамиятли прогностик омилларнинг роли исботланган;

шифохонадан ташқари чўзилувчан зотилжам асосий қўзғатувчиларининг макролидлар ва аминогликозидларга резистентлиги (40,0% ва 33,3% ҳолларда), III ва IV авлод цефалоспоринлар, карбопенемлар каби антибактериал препаратларга нисбатан эса юқори сезувчанлиги (85,0%, 87,5% ва 90,0% ҳолларда) аниқланган;

постковид даврда шифохонадан ташқари зотилжам аниқланган эрта ёшли болалар ичак микробиотасида стафилококклар, патоген эшерихияларнинг 2 марта кўп, энтерококкларнинг 3 марта кам аниқланиши ва лактобифидобактерияларнинг тўлиқ йўқолиши ($3,5\pm 0,9$ ва $2,0\pm 0,3$ lgКОЕ/г), шартли

патоген микрофлоранинг юқори фаоллиги билан намоён бўлувчи ичак микробиотаси дисбалансининг кўп учраши ва юқори кўлами исботланган;

постковид даврда шифохонадан ташқари зотилжам аниқланган болаларда С-реактив оқсил миқдорининг 12 баробар, прокальцитониннинг эса 42,8 марта ортиши ($p < 0,001$) билан ифодаланувчи яллиғланиш биомаркерларининг диагностик ва прогностик аҳамияти, шунингдек касалликни ташхислашда кўшимча мезон сифатида IL-1 β , IL-4, IL-6, IL-8, TNF α фаоллигининг ортиши, IFN γ концентрациясининг пасайиши каби цитокин статусининг хусусиятлари қайд этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эрта ёшли болаларда COVID-19 дан кейинги шифохонадан ташқари чўзилувчан зотилжамни даволаш тактикасини оптималлаштиришга имкон берувчи клиник ва иммунологик хусусиятлари аниқланган;

постковид даврда шифохонадан ташқари чўзилувчан зотилжам касаллиги бор эрта ёшли болаларда клиник ва лаборатор кўрсаткичларнинг (СРО, ПКТ, IL-1 β , IL-8, TNF α цитокинлари миқдорининг камайиши, IFN γ нинг ортиши ва ичак микрофлораси кўрсаткичларининг яхшиланиши) хусусиятлари, ташхислаш ва даволаш тактикасини оптималлаштиришга имкон берувчи дифференциал-ташхислаш мезонлари асосланган;

COVID-19 дан кейинги шифохонадан ташқари чўзилувчан зотилжам билан касалланган эрта ёшли болаларда пробиотиклар ва иммункоррекцияловчи препаратларни қўллаш билан олиб борилувчи комплекс даволаш усулининг клиник самарадорлиги исботланган;

постковид даврда шифохонадан ташқари чўзилувчан зотилжам аниқланган эрта ёшли болаларни олиб бориш ва даволаш схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги бемор болалар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, лаборатор ва инструментал диагностиканинг замонавий усулларида фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва берилган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, эрта ёшдаги болаларда COVID-19 кейинги шифохонадан ташқари зотилжамнинг клиник ва иммунологик хусусиятларига, шунингдек, ушбу беморлар қон зардобидаги яллиғланиш биомаркерлари ва цитокинларнинг миқдорий кўрсаткичлари ҳамда нафас ва хазм тракти микробиоценозидаги динамик ўзгаришларга оид мавжуд билмиларни ривожланишига муҳим хисса қўшганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган клиник тадқиқотлар асосида COVID-19 дан кейинги шифохонадан ташқари чўзилувчан зотилжам касаллиги бор эрта ёшли болаларда клиник-лаборатор кўрсаткичларнинг хусусиятлари ва рационал даволаш тактикасини оптималлаштириш имконини берувчи дифференциал-ташхислаш мезонлари

асосланганлиги, касалликнинг клиник ва иммунологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда комплекс даволаш усули таклиф этилганлиги ҳамда олиб бориш ва даволаш схемаси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Ўткир герпетик стоматит касаллиги мавжуд эрта ёшдаги болаларда зотилжамни даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: эрта ёшли болаларда COVID-19 дан кейинги шифохонадан ташқари зотилжам ривожланишида перинатал омиллар, оғирлашган преморбид фон, ҳамроҳ ва ўтказган касалликлари каби прогностик омилларнинг аҳамияти исботланганлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2024 йил 30 январда б1-08/у сон билан тасдиқланган «Болаларда постковид даврда шифохонадан ташқари зотилжамнинг чўзилувчан кечишини ташхислаш ва даволашнинг такомиллаштириш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Ушбу янгилик Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 3 февралдаги 155-сон ва Андижон шаҳар болалар шифохонасининг 2024 йил 2 февралдаги 98/21-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 22 октябрдаги 07/121-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: ковиддан кейинги даврда шифохонадан ташқари зотилжам аниқланган эрта ёшдаги болаларни даволашда касалликнинг клиник хусусиятларини, унинг чўзилувчан кечиши ривожланиш эҳтимолини оширувчи хавф омилларини инобатга олиш касалликнинг асоратланган шакллари улушини камайтиришга, шифохонада қолиш муддатларини қисқартиришга ва даволаш натижаларини яхшилашга имкон беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: эрта ёшли болаларда COVID-19 кейинги шифохонадан ташқари зотилжамнинг чўзилувчан кечиши ривожланишига сабаб бўлувчи перинатал хавф омиллари, преморбид фон, ҳамда ҳамроҳ касалликларини баҳолашни қўллаш орқали беморларнинг стационарда бўлиш муддати 2 кунга қисқартирилди. Бунинг натижасида 1 нафар беморнинг стационарда бўлиши 1 кунлик жами харажатларининг ўртача миқдори (дори-дармонлар, текширувлар билан биргаликда) 421540 сўмни ташкил этгани ҳолда 843080 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинишига имкон берган. Хулоса: ушбу илмий янгиликни даволаш стандартларига киритиш ўрин-кунларни қисқартириш ҳисобига тадқиқот кўлами бўйича (n=110) 92738800 сўм бюджет маблағларини иқтисод қилиш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: шифохонадан ташқари чўзилувчан зотилжам асосий кўзғатувчиларининг макролидларга нисбатан 40,0%, аминогликозидларга эса 33,3% резистентлиги, III ва IV авлод цефалоспоринлар, карбопенемлар каби антибактериал препаратларга нисбатан эса мос равишда 85,0%, 87,5% ва 90,0% ҳолларда юқори сезувчанлиги қайд қилинганлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2024 йил 30 январда б1-08/у сон билан тасдиқланган «Болаларда постковид даврда

шифохонадан ташқари зотилжамнинг чўзилувчан кечишини ташхислаш ва даволашнинг такомиллаштириш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Ушбу янгилик Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 3 февралдаги 155-сон ва Андижон шаҳар болалар шифохонасининг 2024 йил 2 февралдаги 98/21-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 22 октябрдаги 07/121-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: эрта ёшдаги болаларда ковиддан кейинги шифохонадан ташқари зотилжамнинг чўзилувчан кечишида *St. aureus*, *pneumonia*, *Klebsiella pneumoniae*, *Candida* каби кўзғатувчиларини ўз вақтида этиологик тасдиқлаш, уларнинг микробиологик хусусиятларини инobatга олиш самарали антибактериал терапия усулини белгилашга, натижада асоратлар сонини камайтиришга, реабилитация муддатларини қисқартиришга ва беморларнинг ҳаёт сифатини оширишга имкон беради. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: ковиддан кейинги даврда чўзилувчан кечувчи шифохонадан ташқари зотилжам аниқланган болаларда антибактериал давони қўллаш учун харажатлар кунлик 228435 сўмни ташкил этиб, 190262 сўм иқтисод қилинган. Хулоса: эрта ёшли болаларда шифохонадан ташқари зотилжамнинг чўзилувчан кечишида тўғри танланган антибиотикларни қўллаш туфайли бюджет маблағларидан 16469938 сўм, бюджетдан ташқари маблағларни эса 4458882 сўмга иқтисод қилишга имкон берган.

учинчи илмий янгилик: постковид даврда шифохонадан ташқари зотилжам аниқланган эрта ёшли болалар ичак микробиотасида стафилококклар, патоген эшерихияларнинг 2 марта кўп, энтерококкларнинг 3 марта кам аниқланиши ва лакто-бифидобактерияларнинг тўлиқ йўқолиши ($3,5 \pm 0,9$ ва $2,0 \pm 0,3$ IgКОЕ/г), шартли патоген микрофлоранинг юқори фаоллиги билан намоён бўлувчи ичак микробиотаси дисбалансининг кўп учраши ва юқори кўлами ўз исботини топганлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2024 йил 30 январда бi-08/и сон билан тасдиқланган «Болаларда постковид даврда шифохонадан ташқари зотилжамнинг чўзилувчан кечишини ташхислаш ва даволашнинг такомиллаштириш усули» номли услубий тавсиянома мазмунида ўз аксини топган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Ушбу янгилик Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 3 февралдаги 155-сон ва Андижон шаҳар болалар шифохонасининг 2024 йил 2 февралдаги 98/21-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 22 октябрдаги 07/121-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: шифохонадан ташқари чўзилувчан кечувчи зотилжам билан касалланган болаларни даволашдан олдин ва кейинги даврда ичак микробиотаси кўрсаткичларини баҳолаш натижасида шахсга йўналтирилган даво чораларини қўллаш уларни эрта реабилитация қилиш, жисмоний ва руҳий барқарорликни таъминлаш ва касалликнинг сураункали шаклига ўтиш ҳолатларини камайтириш имконини

беради. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: ковиддан кейинги даврда чўзилувчан кечувчи шифохонадан ташқари зотилжам аниқланган болаларда ичак микробиотаси хусусиятларига кўра шахсга йўналтирилган аниқ даволаш тактикасини белгилаш натижасида 147214 сўм иқтисод қилинган. Хулоса: эрта ёшли болаларда шифохонадан ташқари зотилжамнинг чўзилувчан кечишида ичак микробиотаси хусусиятларидан келиб чиқиб шахсга йўналтирилган даво схемаларини қўллаш орқали тадқиқот кўлами бўйича (n=110) бюджет маблағларни жами 12854000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни эса 3339540 сўмга иқтисод қилишга имкон берган.

тўртинчи илмий янгилик: постковид даврда шифохонадан ташқари зотилжам аниқланган болаларда С-реактив оксил миқдорининг 12 баробар, прокальцитониннинг эса 42,8 марта ортиши билан ифодаланувчи яллиғланиш биомаркерларининг диагностик ва прогностик аҳамияти, шунингдек касалликни ташхислашда қўшимча мезон сифатида IL-1 β , IL-4, IL-6, IL-8, TNF α фаоллигининг ортиши, IFN γ концентрациясининг пасайиши каби цитокин статусининг хусусиятларининг очиб берилганлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2024 йил 30 январда бi-08/и сон билан тасдиқланган «Болаларда постковид даврда шифохонадан ташқари зотилжамнинг чўзилувчан кечишини ташхислаш ва даволашнинг такомиллаштириш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Ушбу янгилик Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 3 февралдаги 155-сон ва Андижон шаҳар болалар шифохонасининг 2024 йил 2 февралдаги 98/21-сон буйруклари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 22 октябрдаги 07/121-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: ковиддан кейинги шифохонадан ташқари зотилжамда яллиғланиш биомаркерлари ва цитокинлар концентрациясини аниқлашнинг диагностик ва прогностик хусусиятларини инобатга олган ҳолда пробиотиклардан биотерол, иммунокорректор сифатида эса дефенсикан препаратини қўллаш болаларда асоратлар ривожланиш хавфини камайтириш ва танланган даволаш усулининг самарадорлигини ошириш имконини беради. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: ковиддан кейинги даврда шифохонадан ташқари зотилжамнинг чўзилувчан кечишини олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган шахсга йўналтирилган даволаш схемасини қўллаш орқали эрта ёшли бемор болаларнинг шифохонада даволаниш муддати 10 кундан 8 кунгача қисқариб, шифохонада қолиш тўлови тахминан 66355 сўмга камайган, шифохонада бўлиш даврининг 2 кунга қисқариши хисобига 110 нафар беморни даволашда 14598100 сўм иқтисод қилинган. Хулоса: ковиддан кейинги даврда шифохонадан ташқари чўзилувчан зотилжам билан касалланган эрта ёшли болаларни стационар шароитда даволашда илмий янгиликдан фойдаланиш 1 нафар бемор хисобига 1 кунга 66355 сўм бюджет маблағларини иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларда тақдим этилган ва маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг чоп этилиши. Диссертация мавзуси бўйича жаъми 22 та илмий иш, улардан 9 та журнал мақолалари, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган 7 та республика ва 2 та хорижий нашрларда, 1 та Web of Science журналида чоп этилган.

Диссертация тузилмаси ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, химояга олиб чиқиладиган асосий тезислар таърифланган, натижаларнинг илмий янгилиги, илмий-амалий аҳамияти, апробация, ишнинг чоп этилган натижалари ва диссертация тузилмаси ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Болалардаги ковиддан кейинги даврдаги шифохонадан ташқари чўзилган кечувчи зотилжамнинг замонавий жиҳатлари»** деб номланган биринчи бобида болалардаги ковиддан кейинги даврдаги шифохонадан ташқари чўзилган (узоқ кечувчи) зотилжамнинг муаммоси бўйича миллий ва хорижий нашрларда сўнгги йилларда чоп этилган адабиётлардаги маълумотлар тизимлаштирилган, ушбу нашрларда ковиддан кейинги асоратлар муаммоси, прокальцитонин, С-реактив оксил яллиғланиш биомаркерлари, про- ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг аҳамияти, шунингдек юқори нафас йўллари ва ичак микробиотасининг роли батафсил баён қилинади. Ковиддан кейинги даврда ШТЗ ЧК билан оғриган болаларни ташхислашга ва даволашга бўлган ёндошувларнинг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинади.

Диссертациянинг **«Ковиддан кейинги даврдаги шифохонадан ташқари чўзилган кечувчи зотилжам билан оғриган болалардаги клиник материал ва фойдаланилган тадқиқот усулларининг тавсифи»** деб номланган иккинчи бобида клиник материал ва тадқиқотнинг лаборатор усулларининг умумий тавсифини ўз ичига олувчи маълумотлар баён этилган. Ишнинг мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ, 2020-2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг ва Андижон вилоят педиатрия тиббиёт марказининг пульмонология бўлимига ётқизилган 178 нафар болалар касаллик тарихларининг ретроспектив таҳлили, шунингдек 3 ёшгача бўлган ва бронх-ўпка патологияси бўлган 178 нафар болаларнинг проспектив тадқиқоти ўтказилди, улардан 110 нафари шифохонадан ташқари чўзилган кечувчи зотилжам ва 68 нафари

шифохонадан ташқари ўткир кечувчи зотилжам билан оғриган. Назорат гуруҳини шу ёшдаги 30 нафар амалий соғлом болалар ташкил этди.

Иш икки босқичда олиб борилди:

I босқичда Андижон вилоятларидаги бронх-ўпка патологияси бўлган болаларнинг 5620 та касаллик тарихлари ретроспектив таҳлил қилинди. Тошкент вилоятида даволанган, бронх-ўпка патологияси бўлган 3 ёшгача бўлган болаларнинг 2210 та касаллик тарихларининг таҳлили 44,5 % ҳолларда шифохонадан ташқари зотилжамни аниқлади, улардан 21,1 % да ШТЗ чўзилган кечувчи характерга эга эди. Андижон вилоятидаги болаларнинг 3410 та касаллик тарихларининг таҳлили 36,5 % ҳолларда шифохонадан ташқари зотилжамни аниқлади, улардан 32,7 % да ШТЗ чўзилган кечувчи характерга эга эди. Илгари бошдан кечирилган COVID-19 чўзилган кечишнинг асосий сабабларидан бўлди, бунинг натижасида антибиотикли терапияни асосиз қўллаш (53,7 % ва 61,2 % ҳолларда) ва антибиотикларни нотўғри танлаш (31,5 % ва 40,5 % ҳолларда) кузатилди.

Анамнестик маълумотлар таҳлили шифохонадан ташқари ўткир кечувчи зотилжам билан оғриган болаларнинг аксарият кўпчилиги (73,5 %) касаллик бошлангандан сўнг, уйдаги муваффақиятсиз даволашдан кейинги 3,5 суткада, ковиддан кейинги даврда шифохонадан ташқари чўзилган (узоқ кечувчи) зотилжам билан оғриган болаларнинг кўпчилиги (51,8 %) эса 7-9 суткада шифохонага ётқизилганлигини кўрсатди.

ШТЗ билан оғриган болаларни комплексли текшириш жараёнида тадқиқотнинг қуйидаги клиник-лаборатор усулларида фойдаланилди:

- тадқиқотнинг биокимёвий усуллари Humateх CRP реактивидан (Human GmbH., Германия) фойдаланган ҳолда қон зардобидаги С-реактив оксил (СРО) концентрациясини аниқлашни ўз ичига олди; қон зардобидаги прокальцитонин (ПКТ) концентрациясини аниқлаш ИФА-БЕСТ (А 9004) («Вектор-Бест», Россия) тест-тизимидан фойдаланган ҳолда қаттиқ фазали иммунофермент таҳлил (ИФТ) усули билан олиб борилди. Тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг биокимё лабораториясида (лаборатория мудир – т. ф. д., профессор А. Н. Арипов) олиб борилди;

- оғиздан олинган суртмаларнинг микробиологик тадқиқоти замонавий клиник микробиология стандартларига мувофиқ амалга оширилди, улар Грамм бўйича бўялди ва бактериоскопия амалга оширилди. Қўзғатувчилар сезувчанлиги диффузия усули билан агарда, «Becton Dickinson» томонидан ишлаб чиқарилган стандарт дисклардан фойдаланган ҳолда синовдан ўтказилди. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси қошидаги Санитария-эпидемиология назорати бошқармасининг бактериология лабораториясида амалга оширилди;


- ичак микробиотасининг микробиологик тадқиқоти бактериологик усул билан, суртмани суяқ агарлаштирилган озуқа муҳитига экиш ва ундан кейинги штаммларни изоляция қилиш, стандарт дисклардан (Россия) фойдаланган ҳолда микроорганизмларнинг морфологик, культурологик,

ферментатив ва антиген хоссаларини ўрганиш асосида уларнинг тур ва хил мансублигини идентификация қилиш орқали амалга оширилди. Тадқиқот Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси қошидаги Санитария-эпидемиология нazorати бошқармасининг бактериология лабораториясида амалга оширилди;

- IL-1 β , IL-4, IL-6, IL-8, ФНО- α ва IFN γ нинг қон зардобидаги миқдори ИФТ усули билан, «Multiskan FC» яримавтомат анализаторида (Финляндия) аниқланди. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг биокимё лабораториясида ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Одам иммунологияси ва геномикаси институтида олиб борилди.

Олинган натижалар Microsoft Office Excel-2010 пакетидаги дастурда статистик ишланди. Ўртача арифметик қийматлар (M), уларнинг стандарт хатолари (m) ва Фишер-Стьюdent мезони бўйича ишончли фарқлар ҳисоблаб чиқилган ҳолда вариацион статистика усулларидадан фойдаланилди. Моделни ясаш ва омили таҳлил ўтказиш учун Кайзер мезонларини ва факторизация тўлиқлиги даражасини (Varimax normalized) ҳисобга олган ҳолда «Scree-test» усулидан фойдаланилди. Корреляцион таҳлил Спирмен (Rs) ва Пирсон (r) усулларидадан фойдаланган ҳолда олиб борилди.


Диссертациянинг «**Болалардаги ковиддан кейинги даврдаги шифохонадан ташқари чўзилган кечувчи зотилжамнинг клиник-ташхисий жиҳатлари**» деб номланган учинчи бобида ўз тадқиқотларимизнинг натижалари таҳлил қилинган. Тадқиқот аввалида биз болалардаги ковиддан кейинги даврдаги шифохонадан ташқари чўзилган кечувчи зотилжам ривожланишининг хавф омилларини ўргандик. Текширилган болалардаги ушбу касалликнинг анамнези бўйича тўлиқ маълумотни таҳлил қилган ҳолда, биз уларда энг кўп учраган хавф омилларини ажратиб олдик (1-расм).



1-расм. Болалардаги ковиддан кейинги даврдаги шифохонадан ташқари чўзилган кечувчи зотилжам ривожланиш эҳтимоли хавфининг омилий таҳлили.

Ковиддан кейинги даврда ШТЗ ЧК билан оғриган 91,8 % болаларнинг оналари ШТУЗ билан оғриган болаларнинг оналари билан қиёслаганда ҳомиладорликнинг бутун даврида I-II даражали камқонлик билан оғригани аниқланди ($\chi^2 = 8,46$; $p < 0,001$). ШЗЧК билан оғриган беморларнинг оналарида: хомила тушиш 72,7 % ($n = 80$) ($\chi^2 = 6,26$; $p < 0,001$), кўп сувлилик – 24 % ($n = 21,8$), 89,1 % ЎРИ ($n = 98$) ($\chi^2 = 23,87$; $p < 0,001$); зотилжамлар – 55,4 % ($n = 61$) ($\chi^2 = 14,3$; $p < 0,001$); туғруқнинг патологик кечиши – 56,3 % ($n = 62$) ($\chi^2 = 30,3$; $p < 0,001$), сувларнинг барвақт кетиши 60,9 % ($n = 67$) ($\chi^2 = 13,73$; $p < 0,001$); болалар асфиксияда 29,1 % ($n = 32$) ($\chi^2 = 7,24$; $p = 0,008$), бу ўпканинг ШТЗ УК бўлган болалар гуруҳининг қийматларидан сезиларли фарқ қилади.

Боланинг касалликка қадар бўлган фон касалликлари ШТЗ ЧКга кучли таъсир кўрсатади. ШТЗ билан оғриган болалардаги фон ҳолатини омилий таҳлил қилинди (Расм.2)




2-расм. Текширилган болалардаги фон касалликларининг таснифи, (%).

Биз кузатув гуруҳидаги ковиддан кейинги даврдаги ШТЗ ЧК 94,5 % ($n = 104$) болаларда, ШТЗ билан оғриган болалардан фарқли ўларок, I-II даражали камқонлик ($\chi^2 = 15,9$;) энг кўп кузатилганини аниқладик (2-расм). 83,6 % ($n = 92$) болаларда рахит ($\chi^2 = 19,6$), 35,4 % да ($n = 39$) ООЭЕ ($\chi^2 = 6,52$; $p = 0,01$), 42,7 % да ($n = 47$) семизлик ($\chi^2 = 6,77$;) , 69,1 % да ($n = 76$) АТПШ ($\chi^2 = 19,5$;) , сунъий озиклантириш – 59,1 % ($n = 65$), ($\chi^2 = 8,4$;) учради. ШТЗ ЧК билан оғриган беморлар гуруҳида ушбу патологиялар фақат фон тарзида мавжуд эди, асоратланиш давомида параллел асосий патологияларга айланишди.

Клиник тадқиқот давомида ШТЗ ЧК билан оғриган 110 болалар оналарининг асосий шикояти йўтал бўлди, улардан нам йўтал 85,5 % ($n = 94$) ($\chi^2 = 9,13$; $p < 0,001$); хансираш эса 103 нафар болаларда учради, бу эса 93,6 % ($\chi^2 = 17,35$; $p < 0,001$) ташкил этди, гипертермия 83 нафар болаларда учради ва 75,5 % ни ташкил этди, иштаҳанинг пасайиши 101 нафар болаларда учради

ва 91,8 % ни ташкил этди ($\chi^2 = 3,62$; $p = 0,06$); шунингдек ланжлик 96,4 % ҳолатда учради ($n = 101$) ($\chi^2 = 42,3$; $p < 0,001$) (3-расм). Ковиддан кейинги даврда ШТЗ ЧК билан оғриган болаларда интоксикация белгилари энг кўп учради – 39 нафар болада (35,4 %) ($\chi^2 = 2,8$); III даражали нафас етишмовчилиги 17 нафар (15,4 %) ($\chi^2 = 1,64$); перкутор товушнинг қисқариши 93 нафар (84,5 %) ($\chi^2 = 11,9$; $p < 0,001$); бурун-лаб учбурчаги цианози 89 нафар (80,9 %) ($\chi^2 = 13,78$;) ва аускультатив нам хириллашлар 91 нафар (82,7 %) ($\chi^2 = 11,52$;) болаларда учради (Расм. 3).




3-расм. Асосий клиник аломат тавсифи, (%)

ШТЗ ЧК билан оғриган болаларда перкутор товушнинг қисқариши $8,1 \pm 0,2$ кун давом этди, шифохонадан ташқари зотилжамда эса – $5,2 \pm 0,1$ кун, яъни 1,6 марта узокроқ. Крепитация 1,6 марта ($8,2 \pm 0,2$ ва $5,1 \pm 0,1$ кун); дағал нафас 2,2 марта ($15,2 \pm 0,2$ ва $6,8 \pm 0,1$); куруқ хириллаш 1,9 марта; нам хириллаш 1,5 марта ($4,4 \pm 0,2$ ва $3,1 \pm 0,1$ кун; $8,3 \pm 0,2$ ва $5,5 \pm 0,1$ кун); ҳансираш эса 1,7 марта ($5,2 \pm 0,1$ ва $3,0 \pm 0,1$ кун) узокроқ давом этди.

Ўпканинг рентгенограммаси кўрсаткичи: асосий гуруҳдаги болалардаги (ШТЗ ЧК) ўпканинг икки томонлама зарарланиши ШТЗ билан оғриган болалардаги 4,4 % га ($\chi^2 = 11,73$; $p < 0,001$) қарши – (26,4 %); ўпканинг инфильтрацияси – 70,0 % (77) ($\chi^2 = 83,8$; $p < 0,001$); альвеоляр инфильтрация 48,2 % (53) ҳолда учради, киёслов гуруҳидаги 10,3 % (7) ҳолатга қарши ($\chi^2 = 26,9$; $p < 0,001$). Шунингдек, ШТЗ ЧК билан оғриган болаларда перибронхиал инфильтрация кўпроқ учради – 15,4 % (17), ШТЗ билан оғриган болалардаги 13,2 % га (9) ($\chi^2 = 0,17$; $p = 0,6$) қарши учради ва асосий гуруҳда деструктив зарарланиш 17,3 % ҳолда, 19 нафар болада учради ($\chi^2 = 13,1$; $p < 0,001$).


Болаларнинг оғиз микробиотасини тадқиқ этишда микроорганизмларнинг бир-, икки- ва уч компонентли ассоциациялари аниқланди. Ковиддан кейинги даврда ШТЗ ЧК билан оғриган болалардаги бир компонентли ассоциациялар орасида касаллик кўзғатувчилари учраш частотасига кўра қуйидагича тақсимланди: *St. aureus* (37,2 %) ($\chi^2 8,24$; $p = 0,005$), *St. pneumoniae* (23,2 %) ($\chi^2 9,6$; $p = 0,002$), *Haemophilus influenzae* (20,9 %), *Chlamydia pneumoniae* (4,6 %), *Mycoplasma pneumoniae* (7,0 %), бошқа патологиялар – (7,0 %) (4-расм). ШТЗ билан оғриган болаларда *St. pneumoniae* (55,5 %), *Haemophilus influenzae* (22,2 %), *St. aureus* (11,1 %), *Moraxella*

catarrhalis (8,9 %) биринчи ўринда бўлди, бошқа патология эса – (2,2 %) ҳолатда (Расм.4).



4-расм. Текширилаётган гуруҳлардаги кўзгатувчиларнинг этиологик тавсифи, (%)

Текширилган болаларнинг ичак микробиотасини ўрганиш ичак дисбиози аломатларини аниқлади Назорат гуруҳидаги 7 нафар болада (n = 30) I ва II даражали дисбактериоз аниқланди. I даражали дисбактериоз 16,6 % (5) амалий соғлом болаларда, II даражаси – 6,6 % (2) болаларда учради, ушбу болаларда дисбактериоз аломатсиз кечган (5-расм).




5-расм. Текширилган гуруҳлардаги болаларда ичак дисбиозининг аниқланиш частотаси, %

ШТЗ билан оғриган 30 нафар болада дисбактериоз аломатлари учради, улардан I даражали дисбиоз 25,0 % (17) нафар болада, II даражали дисбиоз 11,7 % (8) нафар болада, III даражалиси эса 7,3 % (5) нафар болада учради. Ковиддан кейинги даврда ШТЗ ЧК билан оғриган 89 нафар болада ҳам ичак дисбиози аломатлари учради, улардан I даражали – 40,0 % (44); II даражали – 22,7 % (25), III даражали – 11,8 % (13) ва IV даражали дисбиоз 6,4 % (7) ҳолатда учради.

Назорат гуруҳидаги амалий соғлом болалар билан қиёслаганда ковиддан кейинги даврда ШТЗ ЧК билан оғриган беморларда ичак микробли пейзажининг янада ёрқин бузилишлари кузатилди. Клиник аломатларнинг йўқлиги фонида бифидобактериялар сони 1,8 марта (80,0 % ва 44,6 %) ва нормал ферментатив фаолликда бўлган эшерихиялар 3,6 марта (90,0 % ва 24,6 %) ишончли тарзда камайди ($p < 0,001$). Ажралаётган энтерококklar миқдори 1,4 марта камайди (93,3 % ва 67,3 %), St. aureus миқдори ишончли тарзда 35 баравар (35,5 %) кўп бўлди ($p < 0,001$). Ковиддан кейинги даврда ШТЗ ЧК лактофлоранинг 2,2 марта пасайиши (86,6 % ва 39,1 %); лактозонегатив ичак таёқчасининг 3,7 марта камайиши (83,3 % ва 22,7 %); гемолитик фаол бўлган

ичак таёқчасининг 11 марта кўпайиши (11,8 %); Протея туридаги микробларнинг 30 баравар кўпайиши (30,9 %); Candida туридаги ачитқисимон замбуруғларнинг 8 марта кўпайиши (6,7 % ва 53,6 %) ва бошқа шартли-патоген микрофлоранинг 2,2 марта (20,0 % ва 43,6 %) кўпайиши ($p < 0,001$) каби бир қатор носпецифик ўзгаришлар аниқланди. Шартли-патоген микрофлора миқдорининг 104 дан кўпроқ, Candida туридаги ачитқисимон замбуруғлар миқдорининг 103 дан кўпроқ, ферментламайдиган бактериялар миқдорининг 104 дан кўпроқ ва Протея туридаги микроблар миқдорининг 103 дан кўпроқ ортиши биз томондан II-III даражали дисбактериоз деб баҳоланди ($p < 0,001$). 7 нафар беморда (6,36 %) ёрқин клиник аломатлар фониди (қорин дамлиги, такрорланувчи ич қотишлар ва ич кетишлар) сальмонеллалар, шигеллалар, шунингдек олтинсимон стафилококк ва Candida туридаги замбуруғларнинг ортиқча кўпайиши кузатилди ва бу биз томондан III-IV даражали дисбиоз деб баҳоланди.

C-реактив оқсил (CPO) ва прокальцитониннинг (ПКТ) яллиғланиш биомаркерларини тадқиқ этиш ковиддан кейинги даврда ШТЗ ЧК билан оғриган ва текширилган болалар гуруҳида CPO концентрациясининг энг юқори ортиш даражасини аниқлашга имкон берди, (6-расм) бунда уларнинг норматив маълумотлар ($4,5 \pm 0,9$ мг/л) билан қиёслаганда $57,8 \pm 1,9$ мг/лгача ($p < 0,001$), 12,0 баравардан кўпроқ, ШТЗ билан оғриган болалар гуруҳига нисбатан эса ишончли тарзда 1,4 мартадан ($40,6 \pm 2,15$, $p < 0,01$) кўпроқ ортиши аниқланди.




6-расм. Текширилган болалардаги CPO ва ПКТ миқдори, %

Ковиддан кейинги даврда ШТЗ ЧК билан оғриган беморлардаги ПКТ кўрсаткичининг таҳлили норматив маълумотлар билан қиёслаганда $6,85 \pm 0,33$ нг/лгача ($p < 0,001$) 42,8 баравар, ШТЗ билан оғриган болалар гуруҳига нисбатан ишончли тарзда 2,7 марта ($2,57 \pm 0,18$, $p < 0,01$) ортиши аниқланди. CPO ва ПКТ ўткир яллиғланиш маркерлари концентрациясининг энг кўп ортиши ковиддан кейинги даврда ШТЗ ЧК билан оғриган ва текширилган болаларда кузатилди.

Иммунитет цитокин параметрларининг тадқиқот натижалари 7-расмда намоиш қилинган. IL-1 β концентрацияси назорат гуруҳидагига нисбатан 5 баравар ортмоқда, бунда ўртача кўрсаткичлар $136,5 \pm 3,1$ пг/млга тенг, қиёслов гуруҳи билан таққослаганда ушбу қийматлар 1,3 баравар ортиқ ($101,3 \pm 8,7$ пг/мл). Ковиддан кейинги даврда ШТЗ ЧК билан оғриган болаларда

IL-4 яллиғланишга қарши цитокинлар кўрсаткичларини таҳлил қилганда қиёслоғ гуруҳига нисбатан (ШТЗ) 2,1 марта ($11,9 \pm 0,8$ пг/мл) ортиқ аниқланди, бу назорат қийматларидан 5,3 марта ортиқ бўлди ва ўртача $23,4 \pm 0,9$ пг/млни ташкил этди. IL-6 концентрацияси назорат гуруҳига нисбатан 5,7 баравар ортиқ, бунда ўртача кўрсаткичлар $37,8 \pm 1,3$ пг/млга тенг, қиёслоғ гуруҳидагига нисбатан мазкур қийматлар 1,4 марта ($27,4 \pm 2,1$ пг/мл) ортиқдир. Ўзгаришлар ковиддан кейинги даврда ШТЗ ЧК билан оғриган болаларда кўпроқ намоён бўлди. Текширилган беморларда IL-8 даражаси $58,3 \pm 1,4$ пг/млга тенг бўлди, назорат гуруҳига нисбатан ушбу қийматлар 1,4 баравар, қиёслоғ гуруҳидагига нисбатан эса 1,3 баравар юқоридир ($44,3 \pm 2,1$ пг/мл) (Расм. 7).



7-расм. Текширилган болалардаги иммунитет цитокинлари кўрсаткичларининг таҳлили натижалари, (%).

TNFα концентрацияси соғлом болалар билан қиёслаганда $78,4 \pm 2,6$ пг/млгача ошди, ушбу қийматлар қиёслоғ гуруҳи билан таққослаганда 1,2 марта ($61,4 \pm 3,2$ пг/мл) ортиқдир. Ковиддан кейинги даврда ШТЗ ЧК билан оғриган болаларда IFNγ ўртача концентрацияси $16,7 \pm 0,7$ пг/млга тенгдир, бу текширилаган соғлом болалардаги ($34,3 \pm 2,7$) кўрсаткичлардан 2,1 марта камдир; қиёслоғ гуруҳига нисбатан (шифохонадан ташқари зотилжам) IFNγ даражасининг 1,3 марта ($21,2 \pm 0,8$) пасайиши кузатилди. Хулоса қилиб айтганда, ковиддан кейинги даврда ШТЗ ЧК билан оғриган болалар ёшидаги шахслардаги цитокинлар мақомининг цитокинлар экспрессияда намоён бўлувчи ўзига хослиги аниқланди.

Цитокинлар кўрсаткичлари ва СРО, ПКТ ва микробиота маълумотлари ўртасидаги корреляция алоҳида қизиқиш уйғотади. ШТЗ билан оғриган беморлар ($r = +0,33; +0,39; +0,25, p < 0,01$) билан қиёслаганда СРО ва ИЛ-1β, ИЛ-4, ИЛ-8 ($r = +0,83, p < 0,001; r = +0,44, p < 0,001; r = +0,61, p < 0,001$ мос равишда) миқдори ўртасида ижобий корреляция аниқланди. ШТЗ ($+0,67, p < 0,01$) билан қиёслаганда СРО ва ИЛ-6, IFNγ ($r = -0,41, p < 0,001$) ўртасида тесқари корреляция аниқланди. Шунингдек, биз ковиддан кейинги даврда ШТЗ ЧК билан оғриган болаларда ШТЗ билан оғриган болаларга ($r = +0,22; +0,29; +0,2, p < 0,01$) нисбатан ПКТ ва ИЛ-1β ($r = +0,52, p < 0,001$), ПКТ ва ИЛ-4 ($r = +0,64, p < 0,01$), ПКТ ва ИЛ-8 ($r = +0,51, p < 0,01$) даражалари ўртасида янада ишончли ижобий корреляцияни аниқладик. ШТЗ билан оғриган болалар билан ($r = -0,2, p < 0,01$) қиёслаганда ПКТ ва IFNγ ($r = -0,47, p < 0,001$) кўрсаткичлари ўртасида сезиларли ишончли тесқари корреляция

аниқланди. ШТЗ ЧК билан оғриган беморлар гуруҳида ШТЗ билан оғриган болалар билан ($r = +0,52$, $p < 0,001$) қиёслаганда ПКТ ва $TNF\alpha$ ($r = +0,75$, $p < 0,01$) миқдори ўртасида ишончли ижобий корреляция аниқланди. Цитокинларнинг нормал ферментатив фаолликка эга бўлган ичак таёқчаси билан юқори даражали корреляцияси аниқланди. ИЛ-1 β билан корреляция қуйидагича бўлди: $r = -0,61$; ИЛ-4 $r = -0,62$; ИЛ-8 $r = -0,64$; $TNF\alpha$ $r = -0,6$; $IFN\gamma$ $r = +0,66$ ($p < 0,01$).

Протея туридаги микроблар ва ИЛ-1 β ўртасидаги корреляция $r = +0,79$; $TNF\alpha$ $r = +0,49$ ва $IFN\gamma$ $r = -0,65$ ни ташкил этди ($p < 0,01$). Энтерококклар миқдори ИЛ-1 β ўртасидаги корреляция $r = +0,68$; ИЛ-4 $r = +0,59$; ИЛ-8 $r = -0,66$; $TNF\alpha$ $r = +0,5$; $IFN\gamma$ $r = -0,5$ ни ташкил этди ($p < 0,01$). Бифидобактериялар ва ИЛ-1 β ўртасидаги корреляция $r = -0,42$; ИЛ-4 $r = +0,28$; ИЛ-6 $r = -0,39$; ИЛ-8 $r = -0,8$; $TNF\alpha$ $r = -0,65$; $IFN\gamma$ $r = +0,51$ ни ташкил этди ($p < 0,01$). Лактобактериялар ва ИЛ-1 β ўртасидаги корреляция $r = -0,62$; ИЛ-4 $r = +0,55$; ИЛ-6 $r = -0,24$; ИЛ-8 $r = -0,66$; $IFN\gamma$ $r = +0,63$ ни ташкил этди ($p < 0,01$). Шартли-патоген бактерияларнинг ИЛ-1 β билан корреляцияси қуйидагича: $r = +0,73$; ИЛ-6 $r = -0,42$; ИЛ-8 $r = -0,42$; $TNF\alpha$ $r = +0,77$; $IFN\gamma$ $r = -0,63$ ($p < 0,01$).

Дискриминант таҳлил усули билан эрта ёшдаги болалардаги ШТЗ ЧК ривожланиши хавфини прогноз қилишнинг математик модели ҳосил қилинди (математик моделнинг сезувчанлиги – 57,8 %; ўзига ҳослиги – 91,6 %). Тўғри таснифланган қийматларнинг умумий фоизи 80,4 % ни ташкил этди.

Ушбу бобда тақдим этилган тадқиқот натижаларини умумлаштирган ҳолда болалардаги ШТЗ ЧК нохуш пери – ва интранатал даврлар фониди, ирсий оғирлашган преморбид фониди, касалликнинг нохуш кечишини тақозо этувчи ҳамроҳ ва бошдан кечирилган касалликлар фониди ривожланади деб ҳулоса қилиш мумкин. Яллиғланиш биомаркерларини комплекс баҳолаш бошқа клиник-лаборатор параметрлар билан биргаликда ўпкадаги яллиғланиш жараёнларини мониторинг қилишда фойдали бўлиши ва касалликнинг дифференциал-ташхислаш мезони бўлиб ҳисобланиши мумкин. Бемор шифокор-пульмонологга дастлабки мурожаат қилганда клиник-лаборатор ва функционал белгилар жамланмаси бўйича, математик модел ёрдамида болалардаги ковиддан кейинги даврдаги шифохонадан ташқари чўзилган (узоқ) кечувчи зотилжам ривожланишининг хавф гуруҳини аввалдан аниқлаш ва янада жиддий асоратларнинг олдини олиш учун келгусида назорат қилиш ва аниқланган ўзгаришларни даволашнинг энг самарали тактикасини аниқлаш мумкин. Ушбу омил ковиддан кейинги даврдаги шифохонадан ташқари чўзилган (узоқ кечувчи) зотилжамни баҳолашни индивидуаллаштиришга имкон бердики, бу терапияни коррекциялашга муҳтож бўлган болалар гуруҳини ажратиб олган ҳолда беморларга нисбатан дифференциалланган ёндошув учун асос бўлди.

Диссертациянинг «Ковиддан кейинги даврда шифохонадан ташқари чўзилган (узоқ кечувчи) зотилжам билан оғриган болалардаги комплексли даволаш чора-тадбирларининг самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобида ШТЗ ЧК бўлган дифференциалланган

ёндошувлар асослаб берилган. Олинган маълумотлар асосида ковиддан кейинги даврда ШТЗ ЧК билан оғриган болаларни даволашнинг дифференциалланган схемалари ишлаб чиқилди. Қуйидаги гуруҳлар шаклантирилди: шифохонадан ташқари ўткир кечувчи зотилжам билан оғриган 68 нафар ва ковиддан кейинги даврда ШТЗ ЧК билан оғриган 110 нафар болалар. ШТЗ билан оғриган болалар 3 гуруҳга бўлинди: I гуруҳ – базавий терапия (БТ) олган 21 нафар бемор (назорат гуруҳи): ёшига монанд парҳез, антибактериал (ҳимояланган ЦС III), антигистамин препаратлар, мукорегуляторлар ва балғам кўчирувчи препаратлар, симптоматик даво ва физиотерапевтик муолажалар; II гуруҳ – БТ фонида антибиотиклар (ҳимояланган ЦС III) + Биотерол қабул қилган 22 нафар бемор ва III гуруҳ – БТ фонида антибиотиклар (ҳимояланган ЦС III) + Биотерол + Дефенсикан қабул қилган 25 нафар бемор.


Ковиддан кейинги даврда ШТЗ ЧК билан оғриган беморлар гуруҳи ҳам 3 та эрта гуруҳга бўлинди: I гуруҳ – базавий терапия (БТ) олган 32 нафар бемор (назорат гуруҳи): ёшига монанд парҳез, антибиотиклар (ҳимояланган ЦС III), антигистамин препаратлар, мукорегуляторлар ва балғам кўчирувчи препаратлар, симптоматик даво ва физиотерапевтик муолажалар; II гуруҳ – БТ фонида антибиотиклар (ҳимояланган ЦС III) + Биотерол қабул қилган 35 нафар бемор ва III гуруҳ – БТ фонида антибиотиклар (ҳимояланган ЦС III) + Биотерол + Дефенсикан қабул қилган 43 нафар бемор.

